



DEVELOPMENT OF THE NATIONAL PAYMENT SYSTEM IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ITS EFFECTIVENESS OF FOREIGN EXPERIENCE

Valijonov Farkhod Alijonovich¹

¹ Listener of the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4904177>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021
Accepted: 25th May 2021
Online: 30th May 2021

KEY WORDS

banking sistem, payment sistem, payment sistem, electronic payments, non-cash settlements, kliring, plastik cards, information-communication technologies.

ABSTRACT

The article discusses the development of the national payment system, the main directions of improving the payment system of the Republic of Uzbekistan, including the payment system. It also highlights the issues of effective application of foreign experience.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА БУНДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИ САМАРАЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Валижонов Фарход Алижонович¹

¹ Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси тинловчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021
Ma'qullandi: 25-May 2021
Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

банк тизими, тўлов тизими, чакана тўлов тизимлари, электрон тўловлар, нақдсиз тўловлар, клиринг маркази, пластик карталар, ахборот-коммуникация технологиялари.

ANNOTATSIYA

Мақолада миллий тўлов тизимининг ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси тўлов тизими, жумладан тўлов тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилган. Шунингдек, хорижий тажрибани самарали жиҳатларини тадбиқ этиши масалалари ёритилган.

Кириш

Иқтисодиёт ривожланишининг hozirgi bosqichida respublikamizda faoliyat yuritayotgan banklarning roli

to'bra ortib bormoqda. Chunki xujalik yurituvchi subyektlarning hech biri bank xizmatini chetlab o'tib faoliyat yurita olmaydi, u'zaro hisob-kitoblari bank



ёрдамисиз ўтказа олмайди. Шу сабабли банк тизимини мустахкамлаш, уларнинг эркинлигини ошириш йўлида ислохотларга ҳукумат миқёсида эътибор бериб келмоқда. Банк тизимида ўтказилаётган ислохотлар нафақат банкларнинг, балки бутун иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлашга асос бўлади.

Тижорат банклари томонидан тўлов хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси сифатида аввало, Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунини келтириш мумкин. Мазкур қонунда тўлов тизимини “тўлов хизматларини етказиб берувчи ва тўлов хизматларидан фойдаланувчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тўловларни амалга ошириш ҳамда тўлов хизматлари кўрсатиш чоғида юзага келадиган муносабатлар”[1] эканлиги келтириб ўтилган.

Шундай экан, банклар фаолияти устидан назоратнинг етарлилиги ва самарадорлиги, мамлакатдаги тўлов тизимини янада такомиллаштириш - иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий омилидир. Республикада банк тизими ва унинг фаолияти жаҳон андозаларига тобора яқинлашиб бормоқда. Банк тизимини эркинлаштириш ва эркин рақобат шароитига мослаштириш кўзда тутилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрель ПҚ-56 сонли «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва уни ислоҳ қилиш чоратadbирлари тўғрисидаги» Фармони чиқарилиб, унда «Молия-банк тизимини ислоҳ қилиш сиёсатини такомиллаштириш, унинг кўпроқ аниқ-ойдинлигини таъминлаш, иқтисодийда тўловлар ва ҳисоб-китоблар механизмни мустахкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши» лозимлиги белгилаб берилган эди.

Бу вазифанинг бажарилиши айнан тўлов тизими билан боғлиқдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Банкларда тўлов тизимини самарали шакллантириш, бошқариш ва унинг фаолиятини назорат қилиш масаласи иқтисодчи олимларнинг баҳс ва мулоҳаза объекти бўлиб қолишига асос бўлувчи кўплаб омиллар мавжуд. Чунончи, тўлов тизими:

- моддий бойликлар ҳаракатини тезлаштирувчи зарурий механизм бўлиб хизмат қилади;
- банклараро пул бозорлари ва қимматли қоғозлар бозорларининг ривожланишига таъсир этади;
- тизимнинг янги банк хизматлари ривожланишига асос бўлади.

Тўлов тизимига оид дастлабки илмий қарашлар америкалик иқтисодчи-олим Поль Ван ден Берг томонидан илгари сурулган. У “Тўлов тизимининг операцион ва молиявий таркиби” китобида тўлов тизимига қуйидагича таъриф берган: “Тўлов тизими – бу хўжалик субъектларининг қабул қилган молия ва моддий ресурслар юзасидан бажариладиган мажбуриятларни амалга оширишда фойдаланадиган механизмлар йиғиндиси[2]. Муаллиф, бу ўринда, механизмлар йиғиндиси, деб тўлов хизматини кўрсатувчи институтларни, тўловларни ўтказиш билан боғлиқ воситаларни ҳамда ўтказиш каналларини назарда тутмоқда. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, муаллиф бунда меъёрий масалани инобатга олмаган. Маълумки, тўлов жараёнларибозор субъектлари ўртасидаги мулкый муносабатлар ва бошқа молиявий-иқтисодий мажбуриятлар асосида юзага келади ва уларнинг қонун доирасида амалга оширилиши, меъёрлар устуворлигининг таъминланишимухим масала ҳисобланади.



Россиялик иқтисодчилар В.В.Царев ва А.А.Кантарович “Электрон тижорат” илмий асарида тўлов тизими куйидагича таъриф беради: “Тўлов тизими тўлов воситаси сифатида электрон рақамли пулларни ишлатиш орқали зарурий бўлган дастурий воситалар йиғиндиси ҳисобланади”[3]. Кўриниб турибдики, муаллифлар ихтисослашган тўлов тизими таъриф беришган. Демак, бу таърифни барча турдаги тўлов тизимларига берилган таъриф деб бўлмайди.

Россиялик яна бир олим – О.И. Лаврушиннинг таърифи кўра, «Давлатнинг тўлов тизими бу қонун доирасида тартибга солунувчи элементлар йиғиндиси бўлиб, у иқтисодий фаолият жараёнида вужудга келувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди»[4]. Ушбу таърифда муаллиф томонидан “қонун доирасида тартибга солунувчи элементлар” деганда нима назарда тутилгани аниқ кўрсатилмаган бўлса-да, у тўлов тизимининг иқтисодий моҳиятини бошқа иқтисодчи-олимлардан кўра кенгрок очиб берган, десак муболаға бўлмайди.

Миллий тўлов тизими таъриф беришда у пул-кредит тизимининг ажралмас қисми ва уни амалга оширувчи восита сифатида хизмат қилишини унитмаслигимиз керак. Шунинг учун, фикримизча, тўлов тизими куйидагича

таъриф бериш мақсадга мувофиқ: “Тўлов тизими – бу ихтисослашган институтлар, ҳисоб-китоб механизмлари ва тамойиллари йиғиндиси бўлиб, бозор субъектлари ўртасидаги келишувларни ўрнатилган қонун доирасида барқарор бажаришни таъминлашга хизмат қилувчи тизим”[5].

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётда туган ўрнидан келиб чиқиб, тўлов тизими куйидагича таъриф берса бўлади: тўлов тизими бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг зарур ва муҳим бўғини ҳисобланиб, ушбу тизим ёрдамида иқтисодий жараёнлар мувозанатини таъминлашга ва ресурсларни самарали қайта тақсимлашга эришиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар

Тижорат банкларининг даромад базасини шакллантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлиб, Ўзбекистон Републикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мавзуга оид бўлган Қарорлари ва Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Марказий банкнинг амалдаги йўриқномалари ҳисобланади. 1-жадвал маълумотларига эътибор қаратсак, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан жорий йилда ўсиш тенденциясини кўриш мумкин(1-жадвал).

1-жадвал

Банк тизими даромадлилик кўрсаткичлари [6]млрд. сўм

Банк тизими даромад ва харажатлари	01.05.2020 й.	01.05.2021 й.
Фоишли даромадлар	10 975	14 380
Фоишли харажатлар	6 715	9 193
Фоишли маржа	4 260	5 186
Фоизсиз даромадлар	4 398	7 686
Фоизсиз харажатлар	1 157	1 704
Операцион харажатлар	2 307	2 863



Фоишсиз даромад (зарар)	934	3 119
Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	2 751	5 912
Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	136	138
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар)	2 307	2 255
Фойда солиғини тўлаш харажатлари	437	528
Соф фойда (зарар)	1 870	1 727
Банк тизими даромадлик кўрсаткичлари		
Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами активларга нисбати (ROA)	2,4	1,8
Соф фойданинг жами капиталга нисбати (ROE)	10,6	8,7
Соф фоишли даромадларнинг жами активларга нисбати	4,2	4,1
Кредитлар бўйича олинган соф фоишли даромадларнинг жами кредит қўйилмаларига нисбати	5,5	5,3
Соф фоишли даромадларнинг жами мажбуриятларга нисбати	5,2	4,8
Соф фоишли маржанинг жами активларга нисбати	4,5	4,2

Фоишли харажатларнинг ўсиш суръатини фоишли даромадларнинг ўсиш суръатидан юқори эканлиги (2020 йилда 2019 йилга нисбатан банк фоишли даромадларининг ўсиш суръати 63,3 фоишни ташкил этгани ҳолда, фоишли харажатларининг ўсиш суръати 67,5 фоишни ташкил этди); – банкнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларининг ривожланмаганлиги (2020 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан олинган фоишли даромадларнинг банк фоишли даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи атиги 0,3 фоишни ташкил этди).

Ҳозирги кунда Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизимида тўловларни амалга ошириш мақсадида 31 та тижорат банки тўлов тизими фойдаланувчилари сифатида уланган.

Мазкур тўлов тизимида тўловлар реал вақт режимида ялпи ҳисоб-китоб тамойили асосида, яъни тўлов ҳужжати


келиб тушган вақтдан бошлаб бир неча сониялар ичида тўлов амалга оширилади ҳамда натижаси ҳақида ташаббускор ва бенефициарга хабар юборилади.

Тижорат банклари даромад базасининг мустақамлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлар бўлиб, соф фоишли даромаднинг тижорат банкининг ялпи даромадига нисбатан даражаси кўрсаткичи, соф фоишли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичлари ҳисобланади. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, соф фоишли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражаси бўлиб, у 4,5 фоишни ташкил этади, соф фоишли даромаднинг тижорат банкининг ялпи даромадига нисбатан даражаси кўрсаткичи ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичининг меъёрий даражаси мавжуд эмас. Шу сабабли, уларнинг даражасига баҳо бериш учун молиявий таҳлилнинг қиёсий таҳлил усулидан фойдаланилади.



Ҳозирги кунда банклар инфратузилмаларида Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали барча коммунал ташкилотлар, Молия вазирлиги Ғазначилигига тўланадиган бюджет тўловлари, солиқ ҳамда божхона тўловлари, нотариат ва ФХДЁ тўловлари, Ички ишлар вазирлигига тўланадиган жарима тўловлари, Давлат хизматлари агентлиги хизматлари тўловлари, “UzAuto Motors” автомашиналари учун тўловлар,

кадастр хизматлари учун тўловлар, шунингдек, мобил алоқа, интернет-провайдерлар ва кўплаб бошқа хизматлар учун тўловчини хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг биллинг тизими орқали аниқ идентификация қилиш орқали тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш ва акс эттириш имконияти яратилган.



1-расм. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси (млрд. сўм.) [7]

Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими республикада фаолият юритаётган чакана тўлов тизимларининг (Uzcard ва Humo) банк карталари орқали ўтказилган транзакциялари натижаси бўйича клиринг амалиётларини бажариш бўйича “Ҳисоб-китоб банки” вазифасини ҳам амалга ошириб келмоқда.

Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими билан интеграция қилиш орқали тўловларни реал вақт режимида амалга оширишга талабгор бўлаётган идора ва ташкилотлар ҳам кўпаймоқда. Бугунги кунга келиб, ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали жами 30 дан ортиқ

хизматлар бўйича тўловлар реал вақт режимида амалга оширилмоқда.

Ҳисоб-китоблар клиринг тўлов тизимида иштирок этиш ҳамда тўловларни ўтказиш учун Ахборотлаштириш бош маркази билан икки томонлама шартнома тузилади. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали 2017 йил мобайнида 5 205,7 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилган бўлса, 2018 йилда тўловлар суммаси 2017 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга ортиб, 10 155,0 млрд. сўмлик тўлов амалга оширилган. 2019 йилда ҳам ушбу тизим орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси 2018



йилга нисбатан қарийб 2 баробарга ортиб, 20 030,4 млрд. сўмга етган.

Шунингдек, ушбу мақолада тўлов тизимининг хорижий тажрибасини таҳлил этган ҳолда, Хитой давлати мисоли айрим самарали йўллари таҳлил этамиз. Дунё бўйлаб марказий банклар томонидан тезроқ ҳаракатлана оладиган ва энг кам таъминланган кишиларга ҳам онлайн молиявий воситалардан фойдаланиш имкониятини берадиган рақамли пулларнинг янги шакллари синаб кўришга қаратилган ҳаракатлар бошланди.

Айни пайтда Хитой халқ банки мамлакат бўйлаб барча шаҳарларда рақамли юанни синовдан ўтказишни амалга оширди ва виртуал валютани чиқарадиган биринчи йирик марказий банк сифатида қайд этилмоқда[8].

Хитой расмийлари рақамли валютани мамлакатдаги банкноталар ва тангаларни алмаштириш, крипто-валюталардан фойдаланишни камайтириш ва мавжуд бўлган хусусий секторни электрон тўловлар тизимига ўтказишни кучайтириш, дея изоҳлаётган бўлса-да, амалда яқин келажак учун катта ютуқларга умид қилмоқда.

Халқаро майдонда рақамли валютага нисбатан қизиқиш кучайиб бормоқда.

Рақамли валюталарни иқтисодиётга жорий қилишда халқаро майдонда Хитой етакчилик қилмоқда. Халқаро ҳисоб-китоб банки тадқиқотларига кўра, Хитойда 2020 йил бошидан бошлаб 63 та Марказий банкларнинг 80 фоизи CBDC лар бўйича тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказган[9].

Рақамли валюталар пул-кредит сиёсатини тўғридан тўғри узатиш имконияти мавжудлиги ва рақамли тўлов инфратузилмасининг хавфсизлиги сабаб кўпчилик давлатларда қизиқишни кучайтирмоқда. Уругвай, Швеция ва

Багама ороллари каби мамлакатларда ҳам рақамли валюталар синовини ўтказиётган бўлса-да, Хитой рақамли пулларни синовдан ўтказишни амалга оширишни кучайтирган энг йирик иқтисодиётдир.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки маълумотларига кўра, сўнгги 12 ой ичида 60дан ортиқ мамлакатларда миллий рақамли валюталар билан тажриба ўтказилган.

Хитой халқ банки маълумотларига кўра, CBDC бир сонияда камида 250 мингта транзакцияларни амалга оширади ва охириги бир йилда Хитойда рақамли валюта билан савдо қилиш улуши 50 фоиздан кўпроқ миқдорда ошган[9].

Шунингдек, Хитой халқ банки ва Европа марказий банки ўртасида рақамли валютани ривожлантириш тўғрисида шартнома тузилди. Бу Хитой томони эришган энг катта муваффақиятли қадам ҳисобланади. АҚШнинг босими остида кўплаб Ғарб давлатларида Хитойнинг рақамли компанияларига тақиқ ва чекловлар ўрнатилганидан кейинги даврда бу шартнома Хитой томони учун жуда муҳим юриш ҳисобланади.

Америкалик мутахассисларнинг фикрича, рақамли валюта сиёсатида бирор-бир йирик куч Хитойга тенг эмас. Унинг дастлабки ҳаракатлари дунёнинг қолган қисми рақамли валюталар билан қаерга боришини кўрсатиши мумкин.

«Бу Хитой иқтисодиёти янада ақлли ва реал вақтда маълумотларга асосланган бўлиши учун маълумотларни йиғиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланишга янги воситаларни ишлаб чиқиш имкониятини беради», деди Янги Америка хавфсизлик маркази тадқиқотчиси Яя Фануси.

Хитой Марказий банки рақамли юандан халқаро тўловларда фойдаланиш имкониятларини ўрганаётгани сабабли,



АҚШ ҳам рақамли доллар яратиш масаласини фаол кўриб чиқишни бошлади.

АҚШ ҳукумати Федерал резервлар тизими раиси Жером Пауэллнинг таъкидлашича, АҚШ бу борада биринчи бўлиши шарт эмас, Кўшма Штатлар бу ишни тўғри амалга ошириши талаб этилади.

«Хитойнинг молия тизими ўта заиф ва долларнинг дунё захира валютаси мақомига ҳақиқий таҳдид солиши мумкин эмас. Бундан ташқари, одамлар АҚШ регуляторига Хитойга қараганда кўпроқ ишонишади», деб изоҳ билдирди АҚШ валюта-молия институтлари форуми раиси Марк Собел.

Бошқа бир таҳлилчи, АҚШ Ғазначилик котиби Жанет Еллен суверен рақамли валюталарни ишлаб чиқаришни кўриб чиқишни бошлаш мантиқан тўғри бўлишини айтмоқда. Унинг фикрича, долларнинг рақамли версияси АҚШда кам даромадли уй хўжаликлари орасида молиявий тўсиқларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда тижорат банкларида тўлов хизматларини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳот ва чоратadbирлар келгусида банкларимиз ривожланган мамлакатлар банклари рейтинг кўрсаткичлари даражасига эришиш, банк инфратузилмаси янада ривожланиши, аҳоли омонатлари банк депозитларига жалб этилиши натижасида банкларнинг ресурс базалари кенгайиши ва

аҳоли жон бошига тўғри келувчи кредитлар динамикаси ошишига олиб келади.

Марказий банкнинг тўлов хизматларини кўрсатувчи юридик шахс сифатидаги ролини кўришимиз мумкин. Бундай хизматлар тўлов тизими доирасида ишловчи тижорат банклари учун ҳисоб марказларини ташкил қилиш ва Тараққий этган мамлакатлар банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини таҳлил қилиш натижаларидан қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

– ташқи савдони молиялаштириш мақсадига берилган кредитларни Barclays bank кредитларининг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши ташқи савдони кредитлашининг Barclays bank кредитлаш фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлигидан далолат беради;

– 2012-2017 йилларда Bank of America банки томонидан очилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида стэнд-бай аккредитивларининг салмоғини юқори бўлганлиги АҚШ банклари учун стэнд-бай аккредитивнинг асосий аккредитив тури эканлигидан далолат беради;

– Barclays bank томонидан ташқи савдо субъектларига 2012-2017 йилларда кўрсатилган дериватив хизматларининг умумий ҳажмида валютавий своп ва форвард хизматларини юқори салмоқни эгаллаганлиги, валюта опционлари салмоғини эса кичик эканлиги форвард ва валютавий своп хизматлари билан боғлиқ бўлган чиқимларнинг камлиги ва валюта опционларининг мижоз учун қиммат хизмат тури эканлиги билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, lex.uz
2. Платежная система: структура, управление и контроль. Под ред. Брюса Д.–Саммерса, МВФ 1994. – С.280.
3. Царёв В.В., Кантарович А.А. Электронная коммерция. – СПб: Питер, 2002– С. 92.



4. Лаврушин О.И. Банковское дело: учебное пособие. – М: Финансы и статистика, 2004. – С.366.
5. Рахимова Х.У. Особенности развития платёжной системы Республики Узбекистан. Монография. – Т.: “Молия”, 2013 – С. 23
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк маълумотлари
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари. cbi.uz.
8. <https://www.bloomberg.com/news/articles/2021-04-11/biden-team-eyes-potential-threat-from-china-s-digital-yuan-plans?srnd=premium-europe>
9. Digital currencies and the future of the monetary system. Bank for International Settlements. Hoover Institution policy seminar. Basel 27 January 2021
10. <https://www.coindesk.com/pbocs-digital-currency-chief-departs-to-lead-securities-clearing-house>